

ҚИШЛОҚ
ХЎЖАЛИГИ
ХОДИМЛАРИ
БИЛАН МУЛОҚОТ



Президент Шавкат Мирзиёев Қўсарой қароргоҳида Қишлоқ хўжалиги ходимлари кўни муносабати билан соҳа вакиллари билан учрашув ўтказди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида фидокорона ва машаққатли меҳнати билан ноз-неъмат етиштириб, эл дастурхонига кут-барака олиб кираётган барча деҳқон, фермер, боғбон, чорвадор, сувчи, агроном ва механизаторларга ўзининг чуқур ҳурмат-эҳтиромини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 9 декабрдаги фармонига мувофиқ, соҳада алоҳида ўрнатилган ходимлардан бир гуруҳи фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирланган эди.

Маросимда ана шу мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Президентимиз сўзининг давомида келгуси йил учун соҳа олдида турган энг муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Учрашувда қишлоқ хўжалиги соҳаси ходимлари билан очик мулоқот бўлиб ўтди. Президентимиз уларнинг қўшимча таклифлари ва фикрларини тинглади.

Қуйидаги QR код орқали учрашув тафсилотлари билан батафсил танишинг:



Сўз – тақдимот
иштирокчиларига

ДОНО ВА ОҚИЛОНА
СИЁСАТ ҲОСИЛАСИ



ЮЙ ЦЗЮН,
Хитойнинг
Ўзбекистондаги
фавқуллод ва
мухтор элчиси:

– Президент Шавкат Мирзиёевнинг доно ва оқилон сиёсати туфайли Ўзбекистонда бугун бекиёс янгиланишлар кузатишмоқда, яхши қўшничилик алоқалари тикланмоқда.

Дўстона муносабатлар мамлакат иқтисодиёти юксалаётгани, давлатларга очиклик, инвестициявий лойиҳаларга кенг имкониятлар яратилаётганида ўз аксини топапти. Камбағалликни қисқартириш борасида таҳсинга лойиқ ишлар амалга ошириляпти.

Китоб бизга шулар ҳақида батафсил ҳикоя қилади. Айна пайтда у хитой тилига ҳам ўгириляпти. Бу биз учун ҳам жуда қувончли.

БУГУНГИ ТАРИХ
ҲАҚИДА СЎЗЛАЙДИ



Бейбўт АТАМҚУЛОВ,
Ўзбекистоннинг
Ўзбекистондаги
фавқуллод ва мухтор
элчиси:

– Аввало, мана шундай ажойиб тарихий асар тақдимида иштирок этаётганимдан мамнунман. Китобнинг асосий моҳияти шундаки, келажак авлодларга бугунги яшаб ўтаётган давримиз, муқаддас туйғуларни ҳис қилиш имконини яратади. Саҳифаларда Ўзбекистондаги улғув ўзгаришлар шунчаки баён этилибгина қолмасдан, миллат руҳини кўтариш, ёшларни ватанпарварликка қорлаш мақсадлари намоён бўлади. Муаллиф жараёнлар ҳақида фақат ҳикоя қилиб бермайди, Президент билан биргаликда ташвишланади, бирга қайғуради, ҳар бир саҳифа орқали бизга давлат раҳбарининг мотивлари, кузатишлари, характерини билиш, зиммасидаги залворли масъулиятни англашга ёрдам беради.

YURT TARAQQIYOTI YO‘LIDA
BIRLASHAYLIK!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqib boshlagan


O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

2025-yil,
11-dekabr,
payshanba
№150
(5214)

«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЙЎЛИ»

КИТОБИНИНГ ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ НАШРИ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ

«Ҳаммамизни тарбиялаган, вояга етказган – шу халқ. Барчамизга туз-насиба берган ҳам – шу халқ. Бизга ишонч билдирган, раҳбар қилиб сайлаган ҳам айнан шу халқ. Шундай экан, биз биринчи навбатда ким билан мулоқот қилишимиз керак – одамларимиз билан. Ким билан бамаслаҳат иш қилишимиз керак – аввало халқимиз билан. Шунда халқимиз биздан рози бўлади. Халқ рози бўлса, ишимизда унум ва барака бўлади. Халқ биздан рози бўлса, Яратган ҳам биздан рози бўлади».



нини қайд этди. Ҳақиқатан ҳам, китоб халқ онгини, матонати ва умидларини акс эттиргани билан аҳамиятлидир.

Тақдимотда университетнинг юртимизда амалга оширилаётган ислохотларга бағишлаб тайёрлаган видеоуролиги ҳам намоёиш этилди.

Шундан сўнг бир қатор давлатлар элчилари мамлакатимизда бўлаётган ўзгаришлар, унинг жаҳон майдонида тобора юксалиб бораётган ўрни ва мавқеи ҳамда китобда баён этилган қимматли мулоҳазалар ҳақида ўз фикрларини билдиришди.



Тадбирда Қозоғистон, Озарбайжон, Қирғизистон элчилари, БМТ вакиллари, Ўзбекистонда хизмат қўраётган журналистлар Ҳусан Эрматов ва Аҳмадjon Мелибоев ҳамда университет талабалари мазкур асар ҳақида, шунингдек, ундаги мақолаларнинг аҳамияти хусусида сўз юритишди.

Таъкидландики, муаллифнинг раво ва содда тилда ифода этилган фикрларидан ўқувчи ўзига катта таассурот олади, билим ва дунёқараши кенгайди. Беҳтиёр Янги Ўзбекистоннинг бугуни ва истиқболи ҳақида ўзи ҳам фикрлай бошлайди. Шунда аниқлайдики, бу тарихни барчамиз – Ўзбекистон халқи бирга битмоқда. Унинг шонли, ёрқин бўёқларга бой бўлишида ҳар бир ватандошнинг ҳиссаси бўлиши лозим. Миллатнинг улғайиши учун ҳар биримиз дахлдормиз.

Кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган мазкур рисола ҳаммамизнинг қалбимизда ана шундай туйғуларни уйғотади.

Гулрухбегим ОДАШБОВЕВА,
Эъзоа УМУРЗОҚОВА (фото),
«ISHONCH» мухбирлари

САЎЙ-ҲАРАКАТЛАР ТАҲСИНГА ЛОЙИҚ



Сабине МАХЛ,
БМТнинг
Ўзбекистондаги
доимий
координатори:

– Президент Шавкат Мирзиёевнинг юртингиздаги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари таҳсинга лойиқ. Айниқса, камбағалликни қисқартириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, иқтисодийни юксал

Йигитликда йиғ илмнинг махзани,
Қарилик чоғи сарф қилғил ани.
Алишер Навоий



Муносабат

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши Урганч давлат университетининг Ахборот ресурс марказида Президентимизнинг «Марказий Осиё янги давр остонасида» мақоласида белгиланган стратегик йўналишларга бағишлаб анжуман ўтказди.

«МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯҚИН ЎН ЙИЛЛИКЛАРДА ҚАНДАЙ РИВОЖЛАНАДИ?»

саволга биргаликда жавоб топамиз

Тадбирни вилоят кенгаши раиси Гулсара Курбонбоева очиб берди. Касаба уюшмалари фаоллари, иқтисодийёт, молия ва маданият соҳаси масъуллари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, қозоқ ва туркман маданий марказлари вакиллари, кенг жамоатчилик ҳамда Урганч давлат университетининг профессор-ўқитувчилари иштирокида мақолада тилга олинган рақамлар, фактлар, фикрлар, илгари сурилган ғоялар таҳлил қилинди. Шунингдек, бошқа қатор муҳим мавзуларда маърузалар тингланди. Жўмладан, Урганч давлат университети ректори вазифасини бажарувчи С. Хўжаниёзовнинг Марказий Осиёда таълим ва илмфан интеграцияси – барқарор ривожланиш учун инсон капиталини юксалтиришга бағишланган маърузаси кўпчиликлда қизиқиш уйғотди. Агросаноат мажмуи ҳодимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Нодир Назаров Марказий Осиё ёшларининг бирдамлигини мустақамлашда касаба уюшмаларининг иштироки ҳақида тўхталди. Умумий тарих ва цивилизацияон уйғунлик, иқтисодий ва маданий алоқаларга доир мулоҳазалар ҳам иштирокчиларда қизиқиш уйғотди. Анжуманда таъкидланганидек, мақолада илгари сурилган ғоялар ҳар бир фуқаро тақдирига дахлдор. Унда «Марказий Осиё яқин ўн йилликларда қандай ривожланади?» деган муҳим саволга биргаликда жавоб топиш зарурлиги таъкидланган. Белгиланган бешта устувор йўналиш эса бугунги минтақавий сиёсатнинг асосий йўналишларини ўз ичига олади. Иштирокчилар ушбу вазифалар ижроси, қўшни давлатлар билан ҳамкорликни янада кучайтириш, иқтисодий ва гуманитар алоқаларни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида фикр алмашдилар.

Муҳаббат Тўрабоева
«ISHONCH»

ИШОНЧ ВА ДЎСТЛИКНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

Кейинги йилларда Марказий Осиё минтақасида янгича сиёсий муҳит, ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик тобора мустақамланиб бормоқда. Минтақа давлатлари ўртасидаги бундай дўстона муносабатлар аввало, мамлакатлар раҳбарларининг қатъий сиёсий иродаси, очиқ мулоқотга ва ҳамкорликка интилиши натижасидир.

Президентимизнинг шу йил ноябрь ойида эълон қилинган «Марказий Осиё янги давр остонасида» сарлавҳали мақоласида ушбу масала юзасидан ҳар томонлама асосланган стратегик қарашлар баён этилди. Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳамда тармоқ касаба уюшмаси Тошкент шаҳар бўлими масъуллари йиғилишида мақоладаги долзарб фикрлар, ўртага ташланган савол ва мулоҳазалар, минтақавий ҳамкорлик борасида белгилаб берилган муҳим вазифалар хусусида сўз юритилди. Тадбирни тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Шуҳрат Муҳамедханов очиб берди. У дастлаб иштирокчиларни Конституциямизнинг 33 йиллиги муносабати билан самимий қутлади. Бош юрисконсулт Лолахон Нишонава фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, «Инсон қадрли – олий қадрият» тамойилини амалда рўёбга чиқаришда Бош қомусимизнинг ўрни ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Фуқароларнинг шахсий, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини кафолатловчи янги нормалар, давлат идоралари фаолияти очиклиги ва жамоатчилик назоратини кучайтиришга хизмат қилувчи механизмлар тўғрисида батафсил маълумотлар берди. Юридик фанлари доктори, профессор Феруза Мухитдинова давлатимиз раҳбарининг ушбу мақоласида бугунги кунда минтақамизда кечаётган сиёсий, иқтисодий ва

ижтимоий жараёнлар чуқур таҳлил этилгани, таклиф қилинган Марказий Осиёнинг яқин ва узоқ истиқболдаги ривожланиш йўналишлари хусусида тушунчалар берди. Қолаверса, мақола минтақамизда юз бераётган ҳамкорлик жараёнлари мисли кўрилмаган даражада фаоллашгани, мамлакатлар ўртасида ўзаро ишонч бекиёс даражада ортиб бораётганининг ёрқин ифодаси бўлганини алоҳида таъкидлади. – Бугунги нотинч ва шиддат билан ўзгариб бораётган дунёда мамлакатлар глобал ҳаттарларга алоҳида ҳолатда бардош бера олмаслиги тобора аён бўлиб бормоқда, – деди у. – Иқтисодийнинг парчаланиши, иқлим ўзгариши, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлиги билан боғлиқ муаммоларнинг чуқурлашиши Марказий Осиё давлатлари учун фақат биргаликдаги ҳаракат самара бериши мумкинлигини яна бир бор исботлади. Шу боис ҳамкорликни мустақамлаш минтақа давлатлари учун стратегик заруратга айланди. Сўнгги етти-саккиз йил давомида

Марказий Осиё геосиёсий жиҳатдан бутунлай янги босқичга қадам қўйди. Давлат раҳбарлари ўртасидаги доимий ва тизимли мулоқот натижасида йиллар давомида илдиз отган долзарб масалалар бевосита музокаралар орқали ҳал этилмоқда, чегаралар ҳуқуқий асосда расмийлаштирилиб, кўп йиллик зиддиятлар бартараф этиляпти. Амалий саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ бугун Марказий Осиёда дўстлик муносабатлари қайта тикланди. Мақолада қайд этилган муҳим йўналишлар ана шу ришталар янада кучли ва ишончли бўлишга хизмат қилади. Тадбирда, шунингдек, тармоқ касаба уюшмаси Тошкент шаҳар бўлими раҳбари Хусниддин Сайдалиев мақолада илгари сурилган концептуал ғоя ва қарашларни касаба уюшмаларининг ҳар бир аъзоси чуқур англаган ҳолда, муҳим масалалар тарғиботида фаол бўлиши лозимлигини таъкидлади.

Гулрухбегим ОДАШБоева,
Кувончбек Тўраев (фото),
«ISHONCH» мухбирлари

Бор бўл, оқибат!

Баъзан ён-атрофимизга қоқиб, ўзимиздаги бор неъматларга, тўрт мучамиз соғ эканига шукр қилиш ҳақида ўйлаб қоламиз. Чунки орамизда имконияти чекланган бўлса-да, шукрона қилиб яшаётганлар ҳам кўп учрайди. Бинобарин, ногиронлик чеклов эмас, балки жамиятнинг меҳрибон ва адолатли бўлиши учун сабабдир, дейилишида ҳам ҳикмат бор

Табиат ҳамма нарсани билади, каерга қарама ундан ўрганиш учун асос топилади.

Леонардо да Винчи

БИР ПИЁЛА ТИНИҚ СУВ...

ЁКИ ТОШКЕНТ АҲОЛИСИГА ҚАНДАЙ ОБИҲАЁТ КЕРАК?

Машҳур журналист Василий Песков, дунёда бир пиёла муздек тиниқ сувдан яхши ичимлик йўқ, деб ёзган эди. Ҳа, ўша сувдан ўтаверсин барчаси. Аммо... қани ўша, бир пиёла муздек тиниқ сув?

Бугун, ҳатто, водопровод сувини ҳам беҳавотир ичолмайсиз. Сув эмас, Н₂O отлик бир суюқлик, холос. Ҳаёт моддаси йўқ. Ҳаёт моддаси бор-йўқлигини ҳам қўйинг, бизга водопровод орқали суви келадиган сув омбори дамбаси тагидан ҳар йил ёз охирида ўнга яқин чўккан одамнинг жасади чиққанида ўлик чайилган сувни ичиб юганимизни фаҳмлаб қоламиз. Аммо бизда бошқа сув келадиган жой йўқ, шу сувни ичамиз, ноиложмиз. Келаси йил ҳам шу аҳвол. Шунинг учун ҳозир кўп оилалар чой қўйишга, овқатга баклажка ва бутилъ сувларидан фойдаланаяпти, водопровод сувини эса юви-ниш, кир чайиш, идиш ювишга ишлатяпти, хо-лос. Аммо қадоқланган бу «тоза» сувларнинг ҳар қадोगи фалон пул. Энди сув – сувтекин бўлмай қолди.

«Баклажка»лардаги бу «фирменный» сув-ларни, этикеткасига қараб фалон тоғдаги булоқдан олиб келиш-ган, деб анойи бўлманг. Аксар фирмалар сувни водопроводдан олиб, филтрлаб сотаяпти. Буям ўша Чорвоқнинг суви.

Майли, бу иш фирма эгаларининг виждонига ҳавола, аммо кунига беш-олти баклажка сув харид қи-лишга ҳамма ҳам қо-дир эмас. Қолаверса, шундай жаннатмонанд юрtdа яшаб туриб, целлофанга қамалган сувни сотиб олиб ичиш гумроҳлик эмасми? Бу рангли-рангсиз, газ-ли-газсиз сувларни у

тарафга, бир пиёла зилол сувни эса бу тарафга қўйинг – қайсиси аф-зал?

Ўзбекистоннинг кўп жойида, ҳатто, бу ҳам йўқ, артезиан суви ичилади, у тоза, аммо хуштаъм эмас, чой қўйсангиз, пиёла ичи доғ-дуг бўлиб қолади.

Барча жонли мавжудотнинг асоси бўлган сувнинг, айниқса, ичимлик сувнинг поклиги борасида жуда қатъиятли бўлишимиз лозим. Инсонлар ичимлик сувнинг жуда пок ва беғубор бўлишига, биологлар тили билан айтганда, «тирик» сув эканига эътибор қи-лиши керак. Аммо ҳозир кўп йирик шаҳарлар аҳолиси «ўлик сув» истеъмол қилишга ўта бошляпти. Экин-тикин, чорва ҳам кўпроқ чалаўлик сувни ичади.

Бундай чалаўлик сув бизга сув омборлардан келади. Қувурлар шаҳар аҳолиси учун сувни миллион куб метрлаб сув сақланадиган сув омборлардан олади. Гарчи аччиқтош ва хлор қўшилган, филтър-лаш иншоотларидан ўтган бўлса-да, таъми ўзгарган, тириклик ҳу-сусиятини деярли йўқотган сувни ичяпмиз, овқат тайёрляпмиз...

Бундай сув омборларнинг сатҳи ҳажмига нисбатан анча катта, яъни тўпланган сув саёз майдонда ёйилиб қизиб ётади. Негаки бу сув ҳавзалари махсус қазилмайди, балки бирон даранинг тор-роқ жойига тўғон солиниб, дарё ўзанидан табиий қўқурилик сифа-тида фойдаланилади. Тўланиб ётган сувнинг кўп қисми Марказий Осиёнинг қайноқ қуёши остида қарийб ҳаракатсиз тургани учун ай-нидир. Ҳатто сасийди. Чунки сув омборидаги сувнинг аллақанча қисми ҳар мавсумда ҳавзада қолади. Бунинг устига, «химкониятлар-дан самарали фойдаланиб», балиқ ҳам боқилади. Ҳар йили сув ҳав-заси теварагини балиқнинг бадбўй ҳиди тутиб кетати.

Тошкент ҳалқи ана шу сувни филтърлаб ичяпти. Бу сувнинг ка-мида 25 фоизи ҳавзада қолдирилади – ҳар йил ўшанча эскирган сув. Ҳавзадаги сув экологик шаронт, об-ҳавога қараб оз ё кўп ифлос-

ланади (тиниқ сув экологик тоза сув, дегани эмас), саёз жойда узоқ туриши, (кўп сув омборларда ўртача чуқурлик 10-12 м.), мудом қи-зиб-совиши натижасида сувнинг тириклик хоссаси камайиб, ўлик сувга айлана боради. Фақат оқар сувгина ўз табиий ҳусусиятини яхши сақлайди ва ҳатто тиклайди ҳам.

Ўзбекистонда элликка яқин сув омбори бор. Тошкентга сув бе-радиган Чорвоқ сув омбори улар орасида қўлами бўйича иккинчи ўринда туради. Хўш, бу ҳавзанинг экологияси ва бошқа жиҳатлари қай даражада?

Чорвоққа келиб қўйиладиган барча сой ва ирмоқларнинг ёқаси бир замонлар ҳар кимга сахийлик билан хатлаб берилган эди, бу-гун эса уларнинг дачалари ёнида янги бойларнинг «вилла», «фазен-да»лари ҳам тўлиб кетган. Буларнинг ҳаммасида, албатта, ҳожат-хона, ҳаммому душхона бор: улардан чиққани, ҳатто ерга синтса ҳам, тоғ қиялигининг ҳусусиятига қўра, сизиб ўтиб, оқиб келаёт-ган зилол сувга қўшилади – зилол гавҳар сув бўтана бўлади. Ҳар бир жилга бўйидаги юзлаб шундай қошоналарнинг ахлати кичик бир сой ирмоғининг чулдираган сувини абгор қилиш учун етарли, ал-батта. Этакроқда эса оромгоҳлар, дам олиш зоналари сероб. Улардан чиққан оқавалар ҳам ё тўппа-тўғри ана шундай сой сувларига улан-ган, ё бўлмаса, бирон чуқурга тўпланадики, вақти келиб, бу нажосат ҳам сувга қўшилади.

Ўнлаб ана шундай суви булганган сой ва жилғаларни тасаввур қилинг. Ўшалар йиғилиб, битта тоғ дарёсини ташкил қилади: у сув омборига бориб қуйилади. Сунъий денгиз ана шундай бир неча тоғ дарёсининг суви билан тўлади. Сув омборлари соҳилини гир айла-насига тутиб кетган пляжлар эса сувни ифлос қилишни поёнига ет-казади. Бунда тўпланган сувнинг бир қисми экин суғориш учун да-лаларга ҳайдалса, бир қисми яна дарё ўзанига ташланиб, Тошкент ёнида ерости табиий филтър – шағалдан сизиб, очиқ тиндирғичлар-дан ўтади, хлорланади ва қувур орқали хонадонларга берилади.

Қўрдингизки, сув тиндирилади, филтърланади, аммо шу би-лан... пок бўлиб қоладими? Кимёвий жиҳатдан – тоза, аммо маъна-вий жиҳатдан-чи?

Биз юртимиздаги сув манбаларини пок асрашга киришишимиз, йирик ша

12 декабрь – Чингиз Айтматов таваллуд топган кун

«ОНА ТИЛИМИЗ МЎЪЖИЗАСИДАН ЗАВҚЛАНИБ ЧАРЧАМАЙМИЗ...»

Хар бир халқнинг маданий ҳаётида одамлар хотирасида узоқ вақт сақланиб қоладиган воқеалар бўлади. Бутун маърифий дунё тан олган улуг замондошимиз, асрларга татигулик асарлари билан миллионлаб китобхонларнинг қалбини забт этган, бетақдор сўзи ва бетизгин фикрлари билан жаҳон маданий ҳазинасини бойитган ёзувчи, давлат ва жамоат арбоби Чингиз Айтматовнинг ҳаёти ҳамда ижодий фаолиятини шундай улуг воқеалар сирасига қўшиш мумкин, албатта.

Адибнинг барча асарлари ўзбек тилига маҳорат билан ўтирилган, улар асосида кинофильмлар суратга олинган ва олимokban, театрларда янги-янги спектакллар намойиш этилаётир. Азим пойтахтнинг файзли кўчаларидан бирига адиб номи берилган, Ўзбекистон Миллий университетида ёзувчи ижодини ўрганишга доир илмий марказ фаолият юритмоқда.

Чингиз Айтматов ўз ижодида миллий ва умминсоний қадриятларни, юксак инсоний фазилатларни улуғлаб келди. Ўз она юртини қанчалар севган бўлса, Ўзбекистонга ҳам шундай муҳаббат қўзи билан қаради. Ўзбек адиблари, таниқли санъаткорлар, олимлар билан дўст-қадрдон бўлди. Тошкентда Марказий Осмё ҳалқлари маданиятлари Ассамблеяси тузилганида, ижод-

кор зиёлиларни ўзаро ҳамкорликка, азалий қадриятларимизни унутмасликка, маданий дунёни бирлашиб забт этишга қақирди. Бутун муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг яхши қўшничилик, манфаатли ҳамкорлик борасидаги сиёсати, ислохотларнинг янги тўлиқини улуг адибнинг орзусини рўёбга чиқармоқда, элларни элларга, дилларни дилларга, йўлларни йўлларга боғламоқда.

Яна бир ҳақиқат шуки, Чингиз Айтматовнинг маънавий мероси, унинг бутун инсониятга қарата «Ер талашманглар, бойлик талашманглар, тоғларни қулатманглар, табиятни асранглар, инсоннинг инсонлигини сақлаб қолинглар, шаънига доғ туширманглар», деган васияти асрлар оша эзгу мақсадга хизмат қилиши шубҳасиз.

Қўида берилётган ҳикматлар улуг адиб асарлари, нутқи ва публицистик мақолаларидан олинган. Адиб таваллудининг 97 йиллиги муносабати билан уларни муҳтарам газетхонларга ҳавола этишни лозим топдик.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист



ёки бу тилнинг ҳаётий қобилияти кўп жиҳатдан биз – ёзувчиларга, шоирларга, драматургларга боғлиқ...».

(«Она тили мўъжизаси» мақоласидан).

«Тарихнинг нотанглиғи шундаки, инсоният тарихида бўлиб ўтган не-не қирғинбарот урушларнинг миллион-миллион қурбонлари, қатлиомларнинг бегуноҳ жабрдийдалари унут бўлиб кетади. Унут бўлиб кетди ҳам. Хар қандай уруш, энг аввало, тинч аҳоли бошига беҳисоб қуфат, азоб-қубатлар олиб келади. Уруш келиб чиқишига мутлақо алоқаси бўлмаган бегуноҳ кишиларнинг, норасидаларнинг ёстиғи қуриди. Афсуски, бу қурбонлар умумий бир тарзда эсланади, холос. Гитлер, Наполеон, Македонский ва шунга ўхшаш катта-ю кичик фотиҳлар эса тарихда қолади. Нима учун шундай? Нима учун биз ўша қурбонларнинг хар биттаси ҳақида қайтормаймиз? Улар ичида Ватан, миллат тақдирини хал қилишга қодир буюк истиснолар, улуг саркардалар ҳам бўлиши эҳтимоли тўғрисида ўйлаб кўраймиш. Бунинг мутлақо илоҳи йўқ. Урушнинг энг катта даҳшати шунда».

«Ҳаёт чархи абадий айланиб туради, ҳамма нараса келади ва ҳамма нараса кетади, яна эврилиб келади ва эврилиб кетади, одам шуларнинг дардини беихтиёр ҳис қилади ва ўзини англамоқчи, ифодаламоқчи, ўзидан нишон қолдирмоқчи бўлади...». «Ҳаёт, ўлим, муҳаббат, шафқат ва илоҳ – ҳаммасини мусиқа айтади, зотан, биз мусиқада энг олий ҳурликка эришамиз, бу ҳурлик учун эса онгимиз ёришган замонлардан бошлаб, бутун тарихимиз давомиди курашганмиз, лекин унга фақат мусиқадагина етишганмиз. Фақат мусиқагина барча замонларнинг ақидаларини енгиб ўтиб, доимо келажак сари интилади. Шунинг учун биз айта олмаган нарсаларни у айтади, шунга чорланган».

«Агар бир одамнинг ўзини олсангиз – у хавфсиз мавжудот. Унга ниманидир тушунтириш, уқтириш мумкин, бунини инобатга олади, деб ўлимид қилса бўлади. Лекин одамлар катта гуруҳларга, миллат, этносларга бирикса ва экстремистик юзлар билан қуролланса, оломонда бузувчи, вайрон этувчи куч ҳаракатга тушадики, у билан мулоқот қилиш йўли бўлиб қолади. Натижада асрдан миллитчилик, диний фундаментализм, ўз турмуш тарзини бошқаларга мажбуран тикиштириш, зуравонлик ва ҳоказо кўргиликлар «мерос» бўлиб қолади.

«Мендан кўпинча «Оммавий маданият»нинг маданиятга алоқаси тўғрисида сўрашади. Поп-маданият таъсирчан кучининг сирини жуда оддий: юлдузлик касаллиги, «қумир»ларнинг шахсий ҳаётига бўлган қизиқишни нотабиий асосда ошириш. Бундан қўзланган мақсад – имкони борича кўпроқ пул ишлаш. Бундай жиловсиз пойгани ҳозирча биргина жиддий адабиёт рад этиб турибди. Характерли жиҳати шундаки, мумтоз ва ҳатто авангард маданият ҳам воқеаларни ҳақрамонлик даражасига кўтаришга асосланади: уруш қаҳрамонлари, уларнинг жасорати, аёвсизлиги тараннум этилади. Буларнинг ҳаммаси юксак фазилат, ифтихор сифатида кўрсатилади.

Дунёдаги кўпгина пойтахтларда ўрнатилган ҳай-

калларга қаранг: харбий саркардалар от устида савлат тўкиб туришибди. Урушга алоқаси бўлмаган, тинчликни сақлаш, унинг қадрига етиш йўлида фаолият олиб борган кишилар эса бундай мартабага муносиб қўрилмаган... Қозоғистон ва Монголида Чингизхоннинг образи яна кўкларга кўтарилмоқда. Бутунги замонавийликка асосланиш ўрнига, бутун эътибор ўтмишга қаратилмоқда... Тинчлик маданияти инсоний эҳтирос ва эҳтиёжларни куч ишлатиш, тўқнашув ёки босиб олиш билан эмас, тинч йўл билан ҳал қилиш